



Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси номидан

Хўш кўлув қарори

19.07.2022 йил

Гўзалкент тумани

4-1407-2201/1045-сонли иш

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди, судья Л.Асатов раислигида, Э.Бойзоқов суд мажлиси котиблигида, аризачи – [REDACTED] (бундан буён матнда [REDACTED] деб юритилади), жавобгар – «[REDACTED]» оилавий корхонасига нисбатан берган аризаси бўйича ишни, суд бинотида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, аризачи вакили [REDACTED] (23.05.2022 йилги 19/04833-сонли ишончнома) иштирокида кўриб, қуйидагиларни,–

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи – [REDACTED] иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – «[REDACTED]» оилавий корхонаси нинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида муҳокамасида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотномани тақдим этиб, ўз тушунтиришида жавобгар томонидан суд мажлиси кунига қадар солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлиги сабабли арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар иштирок этмади. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 220-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этишни лозим деб топди.

Суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, аризачи вакили тушунтиришини тинглаб, қуйидагиларга асосан арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланишича, «[REDACTED]» оилавий корхонаси томонидан 2022 йил апрель ойи учун айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, ушбу Кодекс 273-моддасига биноан солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига 2022 йил 5 июнь кунда хабарнома ва огоҳлантириш хати юборилган, лекин жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи белгиланган санага қадар топширилмаган.



